АЁЛЛАР ВА ЭРКАКЛАР НУТҚИНИНГ ГЕНДЕР ХАРАКТЕРИСТИКАСИГА ОИД ЛАВҲАЛАР

Ю.Мирзаҳмедова

Мақолада гендер муносабатларнинг ўзбеклар нутқида акс этиши масалалари ёритилган. Ўзбекларнинг гендер муносабатлари мақолада турли маданиятларнинг ўзига хос синтези сифатида талқин қилинган.

***Калит сўзлар**: гендер, мулоқот, маданият, менталитет, мурожаат*

В статье рассматриваются вопросы отражения гендерных отношений в речи узбеков. Гендерные отношения узбекского народа рассмотрены как уникальный синтез разных культур.

***Ключевые слова**: гендер, общение, культура, менталитет, обращение*

This article considers problems of reflection of gender attitudes in speech of Uzbek – the nation with their distinctive mentality. This nation's attitudes towards gender are considered in the article as a unique synthesis of different cultures.

***Key words**: gender, dialogue, culture, mentality, address.*

Тилда гендер – жинс фарқланувининг акс этишини назарий ўрганиш борасидаги ишлар жаҳон тилшунослигида анча равнақ топган, ўзбек тилшунослигида ҳам бу борада айрим эътиборга молик ишлар пайдо бўла бошлаган бўлса-да, илмий асосланган аниқ назарий хулосаларга келинган дейиш қийин. Ғарб тилларида ҳам ва шарқ тилларида ҳам гендернинг акс этиши аниқ. Бунга деярли барча тилшунослар эътибор қаратганлар. Гендер атамасининг ишлатилиши у қадар узоқ тарихга эга бўлмаса-да, аёллар ва эркаклар нутқининг ўзига хослигига эътибор анча узоқ тарихга эга. В.Гульбольдтдан бошлаб қатор тилшунослар – Штейнталь, Потебня, Бодуэн де Куртенэ – тилга тил ташувчисининг руҳий ҳолати ва тафаккури, шунингдек, тил ташувчисининг руҳий ҳолати ва тафаккурига тилнинг муносабати жиҳатларини тадқиқ этганлар. Ф.де Соссюр жамиятнинг фикр ифода қилиш системасини тил ва нутққа ажратар экан, тилни - ижтимоий, нутқни индивидуал деб таърифлайди. Нутқ индвидуаллигини таъминловчи асосий жиҳатлардан бири гендер эканлиги шубҳасиз. Айнан В.Гумбольдт "лисоний дунёқараш" тушунчасининг юзага келишига сабабчи бўлди [2]. Аммо бизнинг кузатишларимизга кўра, Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам тилшуносликка оид тадқиқотларда эталон тил учун материал эркаклар нутқидан олиб келинган. Бунинг натижасида аёллар ва эркаклар нутқининг ўзига хос фарқли томонлари назардан четда қолган. Эркаклар нутқига хос жиҳатлар умуман тилга хос сифатида таҳлил қилинган. Бизнингча эса, гендер фарқлар анча аниқ намоён бўладиган луғавий сатҳдагина эмас, морфологик, синтактик ва ҳатто фонетик сатҳларда ҳам гендер фарқлар анча изчил акс этади.

"XIX асрда антрополог Боид томонидан 2000 одамнинг бош мияси ўрганилганда, бош мия ўнг мия ва чап миялардан иборат бўлиб, улар ўртасида бош миянинг яхлит орган сифатида ишлашини таъминлайдиган қисм мавжудлиги, аёлда ушбу қисм эркакникига нисбатан 30 % қалинлиги, зиёдлиги кузатилди. Демак, аёл миясидаги операциялар тез содир бўлади, шу боис аёл бир вақтнинг ўзида бир неча вазифани бажаради. Тадқиқотчилар аёл бир кунда 20 мингдан зиёд, эркак эса 7 мингга яқин сўз ишлатишини ҳисоблашган "[1.50-51].

Юқорида таъкидланганидек, жаҳон тилшунослигида бу борада тўпланган муайян тажрибага қарамай, ўзбек тилшунослигида ҳали бу соҳада изланишлар тавсиф характерига эга бўлиб қолмоқда. Бунга олиб келувчи бир неча омиллар бор:

биринчидан, татбиқий тилшуносликнинг жуда кўп йўналишлари – антрополингвистика, прагмалингвистика, тижорат лингвистикаси, суд лингвистикаси, психолингвистика – каби гендер тилшунослиги ҳам ҳар бир миллий тилшуносликда алоҳида, ўзига хос изланишларни талаб этади. Назарий тилшуносликдаги каби бошқа тилшуносликлар ютуқларидан фойдаланиш имкони чегараланган;

иккинчидан, татбиқий тилшунослик йўналишларининг ўзаро боғлиқлиги ҳам анча зич бўлиб, унинг бир соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар бошқа бир йўналишдаги тадқиқотлар натижасига доим муҳтождир [4.79-80].

Ўзбек гендер тилшунослигининг оқсоқланиши сабаби ана шу омиллардан келиб чиқади. Татбиқий тилшуносликнинг барча йўналишларига кейинги йилларда юзага келган йирик қизиқишга қарамай, бу соҳадаги тадқиқотлар бир тизим сифатида олиб бориляпти дейишга ҳали эрта. Аммо бу соҳага нафақат қизиқиш, балки ижтимоий-иқтисодий эҳтиёж ҳам пишиб етилди.

“Ижтимоий-иқтисодий шароит фан олдига қўйган вазифалар ҳозиргидагидек кўп бўлган давр инсоният тарихида кузатилмаган. Бугун гуманитар фанлар олдига ҳам аниқ вазифалар қўйилмоқда ва бу вазифаларни ҳал этишнинг аниқ муддатлари белгиланмоқда. Бу талабни бажармаслик муайян фаннинг ўз объекти ва предметидан маҳрум бўлиб, бошқа фанлар таркибий қисмига айланиб қолишига олиб келиши мумкин” [4.79-80].

Гендер тадқиқотларнинг заруриятини қуйидаги тўлиқ бўлмаган сабаблар сираси ҳам кўрсатади:

1. “Оламнинг лисоний манзараси” атамаси ўзбек тилшунослигида кенг ишлатила бошланган бўлса-да, ушбу атама остида яширинган тушунчанинг аниқ тавсифи мавжуд эмас. Бундай тавсифнинг яратилиши, албатта, изчил гендер тадқиқотларни талаб қилади. Аёллар ва эркакларнинг изчил фарқланишига асосланган шарқона дунёқараш оламнинг лисоний манзарасида ҳам ушбу фарқланиш акс этишига олиб келган, албатта. Аммо бу фарқланишнинг лисоний ифодаси тадқиқ этилмай туриб ушбу манзарани тўлиқ шакллантириб бўлмайди.

2. Инсоннинг оламга лисоний баҳоси унинг ижтимоий ва маиший ҳаётида қандай ўрин тутиши борасидаги тадқиқотлар учун ҳам айнан гендер тилшунослиги материал беради. Бугунги кунда ниҳоятда кенг қўлланаётган (оммалашаётган атамасини махсус ишлатмадик, айнан ўзбек маиший нутқига хос гендер омиллар ҳисобга олинмаётгани уларнинг етарлича натижа беришига тўсқинлик қилмоқда) рекламалар ва ижтимоий мулоқотлар (оммавий ахборот воситалари ёки ижтимоий тизимлар орқали) самарадорлигини оширишда гендер тилшунослиги натижаларининг ўрни беқиёсдир.

3. Глобаллашув даврида миллатлар ва маданиятлараро мулоқотлар ўта зичлашиб бормоқда. Бу мулоқотлар тизимида гендер мулоқот одобининг турли хил кўринишларининг тўқнашиши аниқ. Айнан гендер тилшунослиги натижалари замонавий дунёнинг энг нозик нуқталаридан бўлган маданиятлараро мулоқотларнинг ижобий самара бериши учун восита бўла олади.

Ўзбек халқи ҳаёт кечирувчи ҳудудининг ўзига хос географик имкониятларига кўра жуда қизғин тарихий ҳодисаларни бошидан кечирган. Бу халқнинг хитойлар, араблар, мўғуллар, руслар истилоси, шунингдек, инсоният тарихида ноёб бўлган ўзига хос маданиятни юзага келтирган подшоҳликлар, амирликлар, хонликлар тарихи билан муштарак шаклланган менталитети гендер муносабатларнинг ҳам ўзига хос кўринишини яратди. Ўзбек халқининг гендер муносабатлари кўчманчилар ва ўтроқларнинг, мажусийлар ва мусулмонларнинг ғаройиб синтезидир. Ўзбекларда аёллар ва эркакларнинг ўзига хос мулоқот одоби ана шу гендер муносабатларни нутқий ифодалайди. Масалан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида акс этган XIX аср охири XX аср бошида аёл ва эркак муносабатига доир қуйидаги жуда характерли ҳолатга эътибор қилсак: “Ўзбекда ахир ҳар бир эркак ўз хотинини – ўз ҳалол жуфтини қизи ё ўғлининг номи билан атаб чақиради. Ўз хотинининг исмини айтиб чақириш ярамайди. Хотинининг исми Марям, қизининг исми Хадича бўлса, мўмин-мусулмон – шарму-ҳаё юзасидан бўлсамикан? – хотинини “Хадича” деб чақиради. Аксар она-бола баравар “лаббай!” дейди, шундайда оиланинг ҳақиқий эгаси бўлган ота: “каттангни айтаман, каттангни!” дейди. Ҳатто шунда ҳам “Марямни” демайди...” [3.27].

Атоқли адиб аёллар ва эркаклар орасидаги мулоқот устида кичик гендер кузатиш олиб бориб, эр ва хотиннинг ўзаро исм айтмаслигига мусулмонча шарм-ҳаё сабаб деб ўйлайди. Бизнингча, бу ягона сабаб эмас. Тарихан ушбу одат исломгача бўлган даврга бориб қадалиб “исм магияси” билан боғланиши мумкин. Эр ва хотин исмига бўлган табунинг мусулмон бўлмаган халқларда ҳам учраши, ёки, аксинча, мусулмон бўлган халқларда учрамаслиги фикримиз далили бўла олади. (Мамлакатимизда тожик тилида сўзлашувчи аҳоли орасида ҳам эрини исми билан аташ (бир неча ёш катта бўлса ҳам) одати учраб туради.) Аммо бугун юқоридаги одатнинг ташувчилари уни ислом анъаналари билан боғлайдилар. Ўзбек маиший мулоқот одатида эр ва хотиннинг бир-бирига исмини айтиб мурожаат қилмаслик анъанаси етакчилик қилади. Қўйилган ушбу табу тўнғич фарзанд исми билан “фалончининг отаси” ёки “фалончининг онаси”, “Ҳой”, “Эй”, “Дадаси”, “Онаси”, шунингдек, тўнғич

фарзанд исмини отага ва онага нисбатан бирдек (фарзанднинг жинсидан қатъи назар) ишлатиш, “чол”, “кампир”, “хўжайин (эрга нисбатан)” каби мурожаат шаклларини юзага келтирди.

Албатта, замонавий турмуш тарзи, глобаллашув ўзбеклар гендер муносабатлари тизимида катта ўзгаришларни юзага келтирди. Аммо эркак ва аёллар мулоқотида исмнинг қўлланишига айрича муносабат ҳозирги даврда ҳам сақланиб келмоқда.

Замонавий ўзбек эр ва хотинлари орасида ўзаро исм айтиб мурожаат қилиш тобора кўпроқ учраётган бўлса-да, анъанавий мурожаат шакллари қўлланишини талаб қиладиган конситуациялар ҳам мавжуд. Хусусан, оиланинг катта ёшдаги аъзолари, бегоналар олдида эр-хотиннинг ўзаро исм билан мурожаати бугунги кунларда ҳам тақиқда. Ушбу таъқиқ эркак исмига нисбатан қатъийроқдир. Яъни эр хотинга исмини айтиб мурожаат қилишига жамият муносабати кўпроқ нейтрал бўлса, аёлнинг эрга бундай муносабати салбий баҳоланади.

Мулоқотда аёллар ва эркакларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари ўзбек халқи менталитети билан чамбарчас боғлиқ. Юқорида санаб ўтилган тарихий факторлар ўзбек мулоқот менталитетида қуйидаги жиҳатлар етакчилигини юзага келтирди: мулозаматлилик, сир сақлаш, босиқлик, лутф, мулоқотда гендер чегараланганлик ва ҳ.к.

Мулоқотда гендер чегараланганликни таҳлил қилишда шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, ўзбек халқининг маиший мулоқот одоби бу халқ маиший ҳаётининг бошқа шакллари – уй тутуми (уйни жиҳозлаш, безатиш), кийиниши, овқатланиш тарзига нисбатан глобаллашув таъсирига камроқ берилган. Замонавий ўзбек хонадонларида анъанавий сандиқ ва жавонларга нисбатан стол-стул, шкаф, диванлардан кўпроқ фойдаланилади. Аёлларнинг шим кийиши, замонавий соч турмаклари ҳеч кимни ҳайратга солмайди. Овқатланишда қошиқ ва вилкадан фойдаланиш анъанавий қўлда овқатланишни деярли сиқиб чиқарди.

Аммо ўзбекларда:

Ота ва онага, шунингдек, оиладаги ва бошқа барча катта ёшдагиларга сизлаб мурожаат қилинади. Уларнинг исми ёлғиз айтиб чақирилмайди. Исмини аниқлаштириш зарурати бўлганда, ёши ва жинсига мос изоҳловчи қўшилади: Собир ака, Мавлуда хола, Акром тоға, Фарҳод амаки каби.

Аёллар нафақат эрлари, балки эрларининг қариндошларига ҳам мурожаат қилишда муайян анъаналарга риоя қиладилар: айрим регионларда аёллар турмушга чиққанларидан сўнг маълум вақтгача, баъзан бир умр эрнинг қариндошларига мурожаатда ўзига хос клишелардан фойдаланадилар:

Ойижон (келин томонидан қайнонага мурожаат), дадажон (келин томонидан қайнотага мурожаат). Қайд этиш лозимки, ушбу мурожаат шакллари эгалик қўшимчаси олиб ўзгармаслиги билан худди шундай шаклга эга туққан ота-онага мурожаатдан фарқ қилади. Қиёсланг: *Ойижон айтди* (Свекровь сказала) // *Ойижоним айтди* (Мама сказала). Эгалик қўшимчасини ишлатмаслик, «*ойижон*» атамасини атоқли отларга яқинлаштиради ва қайнона-келин ўртасида мавжуд муайян чегарага ишора қилади (атоқли отларга қўйилган табудан келиб чиқиб). *Ҳайбола, Ойқиз* каби шакллар эрнинг ука ва сингиллари учун қўлланилади.

Эрлар ҳам, юқорида айтилганидек, хотинларининг исмини айтмайдилар.

Саломни кичиклар беради, суҳбатни ёши катталар бошлайди ва якунлайди.

Аёллар ва эркаклар иложи борича алоҳида даврада мулоқот олиб боришга ҳаракат қиладилар (албатта, юқорида таъкидланганидек, маиший мулоқот назарда тутилмоқда).

Аёлларнинг нутқига олқиш, эркалаш, қарғиш, эмотивларнинг кўп қўлланиши билан белгиланган эмоционаллик хос. Эркаклар нутқида қисқалик, аниқлик қадрланади.

Айтиб ўтилганлар ўзбекларнинг маиший нутқ одобида кузатилувчи гендер элементларига доир айрим мулоҳазалар, холос. Аёллар ва эркаклар нутқи лексик, фонетик, морфологик ҳамда синтактик шаклланувига кўра жуда қизиқарли тадқиқотлар учун материаллар бера олади. Бундай материалларнинг йиғилиши эса ўзбек психолингвистикаси, социолингвистикаси, реклама лингвистикаси, антрополингвистикаси каби фан йўналишлари тараққиёти учун жуда муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Алимасов В.Гендер фалсафаси: нега биз ҳар хилмиз? // Фалсафа ва ҳуқуқ.- 2008.- №4.- Б.50-51

2. Кириллина А.В. Гендер: лингвистические аспекты.- М.: ИС РАН, 1999. – 180 с.

3. Чўлпон. Кеча ва кундуз // Яна олдим созимни. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. –273 б.

4. Шаҳобиддинова Ш. Татбиқий тилшунослик тезислари. // Илмий хабарнома.- АДУ.- 2016.- №3.- Б.79-80

Андижон давлат университети,
2016 йил 3 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)